




Сохибкирон Амир Темур Марказий Осиё ва унга кўшни бўлган юртларни бирлаштириб, феодал таркокликка бархам бергач, Самаркандга тасарруф этилган барча минтака ва вилоятлардан машхур олим ва хунармандларни тўплай бошлаган. Унинг максоди IX—X асрларда бўлгани каби ислом дунёсининг илмий марказлари сифатида танилган Хоразм, Бухоро ва Бағдоддаги «Байт ул-хикма» илмий мактаблари анъаналарини Самаркандда тиклаш бўлган. Пойтахтда Самаркандга келган барча олимларга ижод қилишлари учун барча қулайликлар яратилган.

Саройда — Амир Темур ҳузурида эркин илмий бахслар бўлиб, голиб чиққан олим ва шоирлар рағбатлантирилган, синовдан ўтган йирик олимлар янги қурилган мадрасаларга мударрисликка юборилган. Илм-фанга, маърифатга эътибор баландлиги боис ўша замоннинг кўпгина олимлари Самаркандга боришни ўзлари учун шараф деб билишган. Шундайлардан бири Марказий Осиё фалсафий тафаккури тарихида ўчмас из қолдирган файласуф Тафтазонийдир. У 722 ҳижрий (1322) йилнинг сафар ойида ҳозирги Ашхобод шаҳри яқинидаги Нисо музофотида Тафтазон қишлоғида туғилган. Ўн олти ёшигача илоҳиёт фанларини, араб тили, нутқ санъати ва мантик илмини ўша даврнинг машхур олимлари ал-Ижй ва мантиқшунос қутбиддин ар-Розий ат-Тахтонийдан (1290—1365) ўрганаркан, унинг биринчи илмий асари эса Серахс (Эрон) олимлари орасида машхур бўлиб, шу асари орқали Мадраса мударриси ҳуқуқини қўлга киритган. Шу даврдан бошлаб у, қарийб 30 йил давомида Мовароуннаҳр ва Хуросон бўйлаб қўчиб юриб, турли мадрасаларда фалсафа ва мантиқдан даре берган. Сўнгра Темур даъватига биноан Самаркандга келиб, умрининг охиригача шу шаҳарда ижод этиб, Темур саройидаги кўпсонли илмий бахсларда фаол қатнашган. Манбаларда қайд этилишича, Самаркандда яшаган машхур файласуф Мир Саййид Шариф Журжоний ва Тафтазоний ўртасидаги илмий бахслар жуда кескин ва кизикарли ўтган. Тафтазонийнинг ислом фалсафаси, қалом, мантик, хандаса, шеърят ва араб тили грамматикаси соҳасидаги катта асарлари Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарларида кенг тарқалган бўлиб, энг машхур асари «Таҳзиб ал-мантик ва-л-қалом» бизгача Жалолиддин Давоний ва Курдистонийларнинг шарҳлари орқали, «Макосид фи илм ал-қалом» ёки «Макосид ат-толибин фи усул ад-дин» («Дин асосларини изловчиларнинг максадлари»)

асари эса муаллифнинг ўз шархлари билан биргаликда етиб келган. Тафтазоний 1392 йилнинг 12 августида вафот этган.

Тафтазонийнинг илмий мероси ўрта аерлар фанининг барча сохаларини ўз ичига олган бўлиб, куръон тафсиридан бошка асарлари араб тилида ёзилган. Бу асарлардан XIV—XVI аернинг иккинчи ярмигача Мовароуннахр ва унинг атрофидаги мадрасаларда ўкув кўлланмаси сифатида фойдаланилган.

Тафтазоний киркдан ортик асар ёзган бўлиб, бизгача «Тахзиб ал-мантик ва-л-калом» («Мантик ва каломга сайкал бериш»), «Ас-Саъдия» (XIII аср охири ва XIV аср биринчи ярмида яшаган Котибийнинг мантикка оид «Аш-Шамсия» рисоласига ёзилган шарх), «Ал-мута-вол» («Кенг талкин»), «Мухтасар ал-маоний» («кискача маънолар»), «Ал-иршод ал-ходий» («Йўл бошловчи рахбар»), «Ал-макосид ат-толи-бин» («Толиби илмларнинг максадлари»), «Рисола фи завое ал-мусал-лас» («Учбурчакнинг бурчаклари хакида рисола») каби асарларидан гашкари ўзидан олдин ўтган мутафаккирлар асарларига ёзган шарх ва хршиялари етиб келган.

Тафтазоний ўз фалсафий карашларида табиат ходисалари ўртасида сабаб-окибат муносабатлари мавжудлигига шубха килмай, борликнинг ана шундай муносабатларини диққат билан тахлил этиб, сабаб ва окибатнинг муайян турларини ажратиб кўрсатади. «Сабаб — бу шундай нарсак, нарсанинг мавжуд бўлиши унга богликдир. Сабаб ички ва ташки кўринишларга эга. Агар сабабнинг муайян белгилари окибатта кўчиб ўтса, унда ички сабаб намоён бўлган бўлади, агарда бунинг акси бўлса, унда ташки сабаб ўзлигини кўрсатган бўлади».

Тафтазоний ўзининг «Тахзиб ал-мантик ва-л-калом» асарида инсоннинг хулк-атворидаги ирода эркинлиги масаласига кенгрок тўхталади. Унинг фикрича, хар кандай олижаноблик ва хайрли ишлар ўз табиатига кўра худонинг мохиятидан келиб чиқади ва у хамма нарсанинг холики сифатида хайр ва шарофатнинг яратилганлиги сабабдан инсонларни ёмон хулк-атвордан тийилиб туришга чорлайди. Ёмон хулklar, гунохлар инсонга хос нарсалар бўлмасдан, улар факат кишиларни синаш учун яратилган. Шундай килиб, унинг фикрича, худо ўз бандаларига икки йўлни «таклиф» этади, яъни шарафли, хайрли фаолият кўрсатишни ёки номатлуб машгулотлар билан гунохга ботишни, гунохга ботиш эса жазога тортилишни келтириб чикаради. Мутафаккирнинг таъкидлашича, худо томонидан инсонларга кўпрок хайрли ишлар килиш буюрилган, гайришаръий ишлар инсоннинг ўз иродаси-га богликдир. Шунинг учун худо ёмон хулк-атворли инсонларни жазолайди. Ёмон хулк-атвори коралаш худонинг иродасига карши бориш эмас, чунки ёмонликнинг ер юзида мавжудлиги инсонларни покликка чорловчи синовдир.

Билиш назариясида Тафтазонийнинг карашлари ибн Синоникидан фарк килади. Ибн Сино нарса, ходисалар хакидаги маълумотларни билим деб кабул этган бўлса, Тафтазоний уларни алохида хис-туйгу ва билим ўртасидаги воситавий боскич деб тушунади. Билиш жараёни уч шартни такозо этади:

- 1) Хис-туйгу органлари ва ашёлар ўрасида ўзаро таъсир;
- 2) Бу омилларнинг инсон рухи томонидан кабул этилиши;
- 3) Аклий билиш.

Хис-туйгуни эса ташки хиссиёт деб атаб, ички хис-туйгу хам ташки хиссиёт асосида пайдо бўлишлигини таъкидлайди. Нарсалар тўгрисида бирор тушунча хосил килиш хис-туйгу уйготган киёфа оркали амалга ошишини кўрсатиб ўтади. Ашёлар ва ходисалар мавжудлиги туфайли улар уйготган хис-туйгу шаклларида билим шаклланади. Чунки хиссиёт моддадан, унинг зарурий сифатлари ва алокалари билан биргаликда ташки

киёфасинигина кабул килиб олади. Шу сабабдан мутафаккирнинг фикрича, хиссий тасаввурга эга бўлиш учун модданинг бўлишлиги шартдир. Лекин аклий, мантикий билиш эса моддий асосдан анча узоклашган бўлиб, хиссий билимларга караганда юкорирок боскичда ҳосил бўлади.

Тафтазоний фикрича, мантик — тафаккурдаги хатоликлардан ҳалос қиладиган восита бўлиб, янги билимлар ҳосил қилиш учун за-миндир. Мантикий билиш шакллари тасаввур ва тасдиқдир. Бирор ашё ёки ҳодисани тасаввур этиш ва унинг тўғрисида ҳукм чиқаришда асо-сий ўринни тил бажаради. Онг ва унинг белгиси нутқ билан бевосита боғлангандир. Бирор ашё ёки ҳодиса белгиси бўлган сўзлар, бирор-бир мазмун туфайлигина қандайдир маъно касб этади. Тафтазоний фикрича, мантик фани мавҳум мантикий онг билан боғланган бўлиб, тушунча ва ҳукми ифодаловчи сўзлар ва гапларни таҳлил этади.

Ақл қуроли орқали ашёларни ақс эттирадиган тушунчаларни таъ-рифлаб, Тафтазоний ўз олдига шундай савол қўяди: Тушунчалар қандай келиб чиқади ва шаклланади?

Тафтазоний ақлнинг тахлилий — ҳулосавий қобиляти (тахлилоти) ва шуурий истеъдоди (мафҳумот) тушунчалар шаклланиши учун асосий йўл деб ҳисоблайди. Унинг таъкиддашича: «Факат тахлилоти ва мафҳумот воситасидагина ашёлар ҳақида муайян тушунчалар ҳосил этиш мумкин».

Тафтазонийнинг илмий мероси Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий тафаккури тарихида муносиб ўрин тутган қадимги юнон файласуф ва мантикшунослари мактабига мансубдир. Аммо эраиздан олдинги илмий ютуқлар билан чегараланмасдан, шарқ Уйғониш даври юксакликларидан туриб уни ривожлантирилганлиги ва янги гоёлар билан бойитилганлиги диққатга сазовордир. Тафтазоний Темур давридаги Самарқанд илмий муҳитида ўша замон олимлари билан биргаликда самарали ижод этиб, кейинчалик жаҳоншуадуд. аҳамият касб қилган Улугбек мактабининг вужудга келишига замин ҳозирлаган мутафаккирлардан бири бўлиб тарихда қолди. У ислом фалсафаси бўлган қаломга мантикий ҳулосаларни тадбиқ этиб, уни қучайтирди ва илоҳиётнинг ҳам жоғибали фан сифатида ривожланишига катта ҳисса қўшди. Унинг асарларининг илмий қиммати ҳозирда ҳам ўз қучини йўқотгани йўқ. Тафтазонийнинг илмий меросини ўрганиш тафаккуримиз тарихининг зарҳал саҳифаларини бойитиш имконини беради.

Кодиров М.